

Иқтисод ва молия

НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКИЙ ЖУРНАЛ

Экономика и финансы

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ



CEDR

ТДИУ ҲУЗУРИДАГИ
«ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ
ИЛМИЙ АСОСЛАРИ
ВА МУАММОЛАРИ» ИТМ



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН БЎЛИМИ



МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ

№ 10(130), 2019


- ИҚТИСОДИЁТ НАЗАРИЯСИ ВА МАКРОИҚТИСОДИЁТ /
ЭКОНОМИЧЕСКАЯ ТЕОРИЯ И МАКРОЭКОНОМИКА
- ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ /
МИРОВАЯ ЭКОНОМИКА
- ИҚТИСОДИЁТНИНГ РЕАЛ СЕКТОРИ /
РЕАЛЬНЫЙ СЕКТОР ЭКОНОМИКИ
- МИНТАҚАВИЙ ИҚТИСОДИЁТ /
РЕГИОНАЛЬНАЯ ЭКОНОМИКА
- БАНКЛАР ВА МОЛИЯ БОЗОРИ /
БАНКИ И ФИНАНСОВЫЕ РЫНКИ
- МЕҲНАТ БОЗОРИ ВА ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ /
РЫНОК ТРУДА И СОЦИАЛЬНАЯ ЗАЩИТА
- БЮДЖЕТ ТИЗИМИ /
БЮДЖЕТНАЯ СИСТЕМА

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши:

- давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштириш;
- қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш;
- иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштириш;
- ижтимоий соҳани ривожлантириш;
- хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, чуқур ўйланган, узаро манфаатли ва амалий руҳдаги ташқи сиёсат юритиш.

Стратегия действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017 — 2021 годах:

- совершенствование государственного и общественного строительства;
- обеспечение верховенства закона и дальнейшее реформирование судебно-правовой системы;
- развитие и либерализация экономики;
- развитие социальной сферы;
- обеспечение безопасности, межнационального согласия и религиозной толерантности, осуществление взвешенной, взаимовыгодной и конструктивной внешней политики.



ПЕЧАТНЫЙ
ОРГАН

Каракалпакского отделения
Академии Наук Республики
Узбекистан

Научно-исследовательского
центра «Научные основы и
проблемы развития экономики
Узбекистана» при Ташкентском
государственном экономическом
университете

*Журнал издаётся в сотрудничестве
с Национальным университетом
Узбекистана имени Мирзо Улугбека*

Ўзбекистон Республикаси Фанлар
Академияси Қорақалпоғистон
бўлими

Тошкент давлат иқтисодиёт
университети ҳузуридаги
«Ўзбекистон иқтисодиётини
ривожлантиришнинг илмий
асослари ва муаммолари» илмий
тадқиқот марказининг

НАШР
ОРГАНИ

*Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон
Миллий университети билан
ҳамкорликда нашр этилади*

МУНДАРИЖА СОДЕРЖАНИЕ

№10 (130), 2019

- 2 **ИҚТИСОДИЁТНИНГ РЕАЛ СЕКТОРИ / РЕАЛЬНЫЙ СЕКТОР ЭКОНОМИКИ**
Исраилова Х.М. Миллий иқтисодиётни ривожлантиришда мева-сабзавотчиликнинг
иқтисодий ўрни (Фарғона вилояти мисолида)
- 8 **ЭКОНОМЕТРИКА ВА СТАТИСТИКА / ЭКОНОМЕТРИКА И СТАТИСТИКА**
Ёвкочев Ш.Ш.-ў. Халқаро молия институтлари фаолиятини ташкил этувчи иқтисодий-
математик моделларнинг назарий асослари
- 17 **СОЛИҚ СИЁСАТИ / НАЛОГОВАЯ ПОЛИТИКА**
Боев Б.Ж., Аманова Ш.Х. Мамлакат корпоратив солиқларини режалаштиришни
такомиллаштиришда хорижий давлатлар тажрибасининг аҳамияти
- 22 **БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ВА АУДИТ / БУХГАЛТЕРСКИЙ УЧЕТ И АУДИТ**
Хайитбоев М. Товар-моддий захираларни баҳолаш ва уларга доир ахборотларни молиявий
ҳисоботда очиқ бериш хусусиятлари
- 27 **МЕҲНАТ БОЗОРИ ВА ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ /**
РЫНОК ТРУДА И СОЦИАЛЬНАЯ ЗАЩИТА
Толаметова З.А. Влияние демографических процессов на занятость населения
Абдусаидов А.А. Хусусий иш билан бандлик хизмати ривожланишининг
худудий хусусиятлари
- 42 **МИНТАҚАВИЙ ИҚТИСОДИЁТ / РЕГИОНАЛЬНАЯ ЭКОНОМИКА**
Қаюмов А.А., Адилов Б.Б. Иқтисодий география фани ва унинг бугунги мавқеи
- 47 **МЕНЕЖМЕНТ ВА МАРКЕТИНГ / МЕНЕДЖМЕНТ И МАРКЕТИНГ**
Саманов А.А. Франчайзинг как форма развития предпринимательства в Узбекистане
- 52 **ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА ИННОВАЦИЯЛАР / ИНВЕСТИЦИИ И ИННОВАЦИИ**
Зияев Т.М., Қобилов А.Ў., Ёқуб Д.Т., Зуфарова М.Қ. Қулай инвестицион муҳит ва фаол
инвестицион сиёсат – барқарор иқтисодий ўсиш омили
- 60 **Захирова Г.М.** Мамлакатнинг иқтисодий ривожланишида интеллектуал салоҳиятнинг ўрни
- 65 **МУАЛЛИФЛАР ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ / СВЕДЕНИЯ ОБ АВТОРАХ**

- Ўзбекистон Республикаси **ОАК** рўйхатига киритилган.
- **РИНЦ** маълумотлар базасига киритилган.
- **CyberLeninka** илмий электрон кутубхона базасига киритилган.
- **East View** базасига киритилган.

- Включён в список **ВАК** Республики Узбекистан.
- Входит в базу данных **РИНЦ**.
- Входит в базу научной электронной библиотеки **CyberLeninka**.
- Входит в базу **EastView**.

23.12.2016, № 232/5

https://elibrary.ru/title_about.asp?id=57617

<https://cyberleninka.ru/journal/n/ekonomika-i-finansy-uzbekistan>

Хайитбоев Мухаммади Исрапилович,
Тошкент молия институтини «Бухгалтерия
Ҳисоби» кафедраси катта ўқитувчиси

ТОВАР-МОДДИЙ ЗАХИРАЛАРНИ БАҲОЛАШ ВА УЛАРГА ДОИР АХБОРОТЛАРНИ МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТДА ОЧИБ БЕРИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

УДК: 657

ХАЙИТБОЕВ М.И. ТОВАР-МОДДИЙ ЗАХИРАЛАРНИ БАҲОЛАШ ВА УЛАРГА ДОИР АХБОРОТЛАРНИ МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТДА ОЧИБ БЕРИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

Товар-моддий захиралар хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини самарали ташкил қилишда алоҳида аҳамият касб этиб, маҳсулот таннархида муҳим ўрин тутди. Товар-моддий захираларни тўғри баҳолаш ишончли бухгалтерия ҳисоби ахборотларини шакллантириш имконини беради. Мақолада товар-моддий захираларнинг моҳияти, халқаро стандартлар бўйича уларни баҳолаш ва молиявий ҳисоботда очиб бериш тартиби ёритилган.

Таянч иборалар: товар-моддий захиралар, баҳолаш, таннарх, соф сотиш қиймати, халқаро стандарт, тугалланмаган ишлаб чиқариш, тайёр маҳсулот, товарлар.

ХАЙИТБОЕВ М.И. ОЦЕНКА ТОВАРНО-МАТЕРИАЛЬНЫХ ЗАПАСОВ И ОСОБЕННОСТИ РАСКРЫТИЯ ИНФОРМАЦИИ ПО НИМ В ФИНАНСОВОЙ ОТЧЕТНОСТИ

Товарно-материальные запасы играют особую роль в эффективной организации деятельности хозяйствующих субъектов, а также в себестоимости продукции. Правильная оценка товарно-материальных запасов позволяет сформировать достоверную учетную информацию. В статье раскрыты сущность, оценка и раскрытие в финансовой отчетности товарно-материальных запасов согласно международным стандартам.

Ключевые слова: товарно-материальные запасы, оценка, себестоимость, чистая стоимость реализации, международный стандарт, незавершенное производство, готовая продукция, товары.

XAYITBOEV M. ASSESMENT OF INVENTORIES AND FEATURES OF INFORMATION DISCLOSURE IN FINANCIAL STATEMENTS

Inventories take an important significance regarding to enterprises performance organizing efficiency, as well in terms of product cost. Accurately valuation of these provides trustworthy accounting information. The article reveals the essence, assessment and disclosure the financial statements for inventories in accordance with international standards.

Keywords: Inventories, valuation, cost, net realizable value, international standard, goods-in-process inventory, finished product, goods.

Кириш. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида ҳўжалик юритувчи субъектлар ишлаб чиқариш фаолиятининг самарадорлигини акс эттирадиган кўрсаткичларнинг умумий тизимида маҳсулот таннархи кўрсаткичи асосий ўринни эгаллайди. Чунки маҳсулот таннархини камайтириш ҳўжалик юритувчи субъект фойдасининг ошиши, фаолиятини кенгайтириш учун қўшимча имкониятлар яратилишига олиб келади. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев ўз маърузасида қуйидагиларни таъкидлаган: «Биринчи - ислохотларнинг қай даражада самара бераётганини кўрсатадиган мақсадли дастурларни амалга ошириш натижадорлиги. Булар қаторида саноат ва бошқа тармоқларни ривожлантиришнинг қуйидаги иқтисодий ва молиявий кўрсаткичларини келтириш мумкин: ишлаб чиқариш қувватларининг аҳволи, харажатларни ва таннархни пасайтириш, маҳаллийлаштириш ва рентабеллик даражасини, маҳсулот рақобатдошлигини сўзсиз ошириш» [4, 26].

Дарҳақиқат, аҳолини сифатли ва арзон маҳсулотлар билан таъминлаш жаҳон бозорида иқтисодиётимиз рақобатбардошлигини оширишда хом ашё ва ресурслардан оқилона фойдаланиш, унумсиз харажатларни тежаш ва маҳсулот таннархини камайтириш муҳим ўрин тутди. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида ҳар қандай ҳўжалик юритувчи субъект ўз тасарруфидаги товар-моддий захиралар ҳисобини тўғри ташкил қилиш ҳамда улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириши зарур бўлади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Товар-моддий захиралар (ТМЗ)ни ҳисобга олиш, уларни тан олиш ва баҳолаш масалалари билан кўпгина иқтисодчи олимлар шуғулланишган. Жумладан, О.Бобожонов ва К.Жуманиёзовлар товар-моддий захиралар таннархини аниқлаш усулларини ёритиб ўтишган [5, 206-263]. Г.Жамбакиева эса товар-моддий захираларнинг омбордаги ва бухгалтерияда ҳисобга олиш масалаларига чуқур эътибор қаратган [6, 138-162]. И.Очилов ва Ж.Қурбонбоевлар ТМЗларни туркумлаш ва баҳолаш, улардан фойдаланишни назорат қилиш масалаларига тўхталиб ўтишган [7, 155-189]. Д.Норбеков, А.Махмудов ва Д.Мухаммедовлар ТМЗларни баҳолаш ва инвентаризация қилиш, ТМЗ бўйича қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаш масалаларига чуқур эътибор қаратишган [8, 65-86]. Иқтисодчи олимлар Б.А.Хасанов ва А.Б.Акрамовлар товар-моддий захиралар ҳисобини ташкил қилиш ва улар ҳақидаги ахборотларни молиявий ҳисоботларда очиб бериш масалаларини ёритган [9]. С.К.Байдибекова эса

товар-моддий захиралар ҳисоби ва аудити масалаларига тўхталиб ўтган [10]. С.Сэдди, Э.Смит ва А.Стрикленд консолидацияланган молиявий ҳисоботларида товар-моддий захиралар ҳисобининг халқаро стандартлар бўйича қиёсий таҳлили келтирилган [11]. Аммо юқорида қайд этиб ўтилган олимларнинг асарларида хорижий амалиётда қабул қилинган захираларнинг ишлаб чиқаришга сарфланиши жараёнида уларни баҳолаш усуллари ва халқаро стандартларга мувофиқ ТМЗ бўйича молиявий ҳисоботда ахборотларни очиб бериш масалаларига кенг эътибор қаратилмаган.

Илмий муаммонинг қўйилиши. Товар-моддий захиралар – кейинчалик сотиш мақсадида нормал фаолият юритиш жараёнида тутиб туриладиган ва ишлаб чиқариш жараёнида мавжуд бўлган, шунингдек, маҳсулот ишлаб чиқариш, ишларни бажариш ёки хизматлар кўрсатиш жараёнида ёхуд маъмурий ва ижтимоий-маданий вазифаларни амалга ошириш учун фойдаланиладиган моддий активлар [2].

Бухгалтерия ҳисобида ҳисоб сиёсатини шакллантириш жараёнида товар-моддий захиралар гуруҳлари учун ҳисобдан чиқаришни баҳолашда турли хил усуллардан фойдаланиш мумкин. Бу жараёнда қўшимча харажатлар юзага келиб, улар таркибига қайта киритиш, захираларни чиқариб ташлаш ва улар жойлашган ҳудудда захираларни харид қилишда юзага келувчи атроф-муҳитни тиклаш бўйича баҳолаш мажбуриятлари киради.

Агар товар-моддий захиралар ёрдамида амалга оширилувчи ҳўжалик операциясининг моҳиятига эътибор қаратилса, у ҳолда унда сотиб олиш, ишлаш ва ҳисобдан чиқаришни ҳисобга олишда акс эттириш кўзда тутилади. Товар-моддий захираларни бухгалтерия ҳисобида акс эттиришда уларнинг келиб тушиш усулларига эътибор қаратиш лозим.

Ҳўжалик фаолиятида амал қилувчи текшириладиган барча ҳужжатлардаги кўрсаткичлар, ифодадалар ва рақамли қийматлар ўзаро боғлиқ эканлигига ишонч ҳосил қилиш керак. Ҳужжатларни нафақат шакл, балки мазмун жиҳатидан ҳам текшириш ва таҳлил қилиш, шунингдек бирламчи ҳисоб ҳужжатларида акс эттирилган арифметик ҳисоб-китобларнинг тўғрилигини назорат қилиш керак. Шу мақсадда илмий тадқотлар амалга оширилган.

Тадқиқот методологияси. Мазкур мақоланинг услубий асоси сифатида иқтисодий адабиётлар ҳамда илмий мақолалар, иқтисодчи олимларнинг товар-моддий захираларни таснифлаш ва баҳолаш

1-жадвал. Товар-моддий захиралар бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш усуллари¹.

Бухгалтерия ҳисоби счетлари	Ҳисобни ташкил этиш усуллари
1000-«Материаллар»	1) 1000-«Материаллар» счётини қўллаш ва унда бевосита харид қилинган материаллар бўйича ҳақиқий таннархни шакллантириш орқали; 2) 1000-«Материаллар» счётидан ташқари 1500-«Материалларни тайёрлаш ва харид қилиш» ва 1600-«Материаллар қийматидаги фарқлар» счетларини қўллаган ҳолда
2900- «Товарлар»	1) сотиб олиш нархлари бўйича: ҳақиқий таннархда (бевосита 2900-«Товарлар» счётида – ҳисоб нархлари бўйича (1500-«Материалларни тайёрлаш ва харид қилиш»); 2) сотув нархлари бўйича (2920-«Савдо устамаси» счётидан фойдаланган ҳолда)
2800-«Тайёр маҳсулотлар»	1) ҳақиқий ишлаб чиқариш таннархи бўйича; 2) меъёрий (режали) ишлаб чиқариш таннархи бўйича 2800-«Тайёр маҳсулот» счёти
2000-«Асосий ишлаб чиқариш» («Тугалланмаган ишлаб чиқариш»)	1) ҳақиқий ёки меъёрий (режали) ишлаб чиқариш таннархи; 2) бевосита сарф-харажат моддалари бўйича; 3) хом ашё, материаллар ва ярим тайёр маҳсулотлар

масалалари бўйича изланишлари, эксперт баҳолаш, қиёсий таҳлил ўтказиш орқали тегишли йўналишларда ҳулоса, таклиф ва тавсиялар берилган. Мавзунини ўрганиш жараёнида умумқисодий усуллар билан бир қаторда кузатиш, таққослаш, гуруҳлаш, назарий ва амалий материалларни жамлаш ҳамда тизимли таҳлил каби усуллар қўлланилган.

Таҳлил ва натижалар. Товар-моддий захираларни баҳолашда ТМЗ тури ва ҳисоб сийёсатига мувофиқ унга нисбатан қўлланилувчи қийматни кўриб чиқайлик. Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонунининг 17-моддасига мувофиқ, товар-моддий захираларни баҳолаш қуйидаги иккита баҳонинг энг паст - баланс тузилаётган санадаги ҳақиқий таннарх (сотиб олиш нархи ёки ишлаб чиқариш таннархи) ёки бозор баҳоси (реализация қилишнинг соф қиймати) бўйича амалга оширилади [1].

И.К.Очилов ва Ж.Э.Курбонбоевларнинг фикрича, соф сотиш қиймати - товар сотилишининг тахминий қийматидан товарларни сотув олдидан тайёрлаш ва уни сотиш харажатларининг айирмасидир [7, 159]. Биз товар-моддий захиралар ҳисобини ташкил этишнинг кенг тарқалган усулларини 1-жадвалда умумлаштирдик.

«Товар-моддий захиралар» номли 4-сон БҲМСга биноан, ҳар бир кейинги даврда реализация қилишнинг соф қийматини янгидан қайта баҳолаш ўтказилиши мумкин. Иқтисодий конъюнктуранинг ўзгарганлиги сабабли ташкилотнинг мул-

кидаги илгари қиймати пасайтирилган товар-моддий захирани реализация қилишнинг соф қиймати ошган ҳолда тегишли ҳисобдан чиқариш суммаси шу тариқа тикланадики (тиклаш дастлабки ҳисобдан чиқариш миқдорлари билан чекланган), бунда янги баланс қиймати ушбу икки қийматнинг энг ками - таннарх ёки қайта кўриб чиқилган реализация қилишнинг соф қийматига қадар келтирилади [2].

«Захиралар» номли 2-сонли МҲХСда таннархни баҳолаш усуллари акс эттирилган, унга мувофиқ, одатда, қулайлик учун захиралар таннархини меъёрий сарф-харажатлар усули ёки чакана нархлар ҳисоби сингари баҳолаш усулларидан фойдаланиш мумкин (1-жадвал).

Меъёрий харажатлар хом ашё ва материаллар, меҳнат, самарадорлик ва унумдорликни ҳисобга олади. Улар мунтазам равишда таҳлил қилинади, заруратга кўра, жорий шароитларни ҳисобга олган ҳолда қайта кўриб чиқилади. Чакана нархлар усули чакана савдода захираларни баҳолаш учун қўлланилади. Захиралар бирлиги қиймати ушбу захира бирлигини сотиш нархини ялпи фойданинг тегишли улуши ёрдамида камайтириш йўли билан аниқланади. Фойдаланилаётган фоизлар миқдорини аниқлашда уларнинг қиймати уларни дастлабки сотиш нархидан паст даражага туширилади.

«Захиралар» номли 2-сонли МҲХС агар захиралардан фойдаланиш натижалари тахминан таннарх қийматини ифодаласа, захиралар таннархини аниқлашнинг турли усулларидан фойдаланишга рухсат беради. Захиралар таннархини аниқлаш учун қуйидагилар қўлланилади: 1) аниқ харажат-

¹ Муаллиф томонидан тузилган.

2-жадвал. Хорижий амалиётда захираларни баҳолаш усуллари¹.

№	Мамлакат	Захираларни баҳолаш усуллари			
		ФИФО	Ўртача қиймат (АВЕКО)	Соф сотиш қиймати	Бошқалар
1.	АҚШ	+	+	-	Чакана усул
2.	Германия	+	+	+	ХИФО, ЛОФО, КИФО, КИЛО
3.	Франция	+	+	+	-
4.	Буюк Британия	+	+	+	-
5.	Италия	+	+	-	-
6.	Греция	+	+	-	Тайёр маҳсулотларни захиралаш усули
7.	Испания	+	+	-	-
8.	Люксембург	+	+	+	Ҳақиқий харажатлар
9.	Нидерландия	+	+	-	Тайёр ва тугалланмаган ишларни захиралаш усули
10.	Португалия	+	+	-	Захиранинг стандарт ва махсус (бозор) нархи
11.	Россия	+	+	-	Ҳар бир бирликнинг таннархи усули
12.	Швейцария	+	+	-	-
13.	Швеция	+	-	+	Бажаришдан фоиз усули, Шартномани яқунлаш усули

ларнинг ўзига хос идентификация қилиш усули; 2) ФИФО усули (дастлабки тушум – дастлабки харажат); 3) ўртача тортилган қиймат (АВЕКО) усули бўйича.

О.Бобожонов ва К.Жуманиязовларнинг фикрича, даврий ҳисобга олиш тизимини қўллашда ТМЗнинг ҳар бирининг батафсил ҳисоби юритилмайди. Товар-моддий захираларнинг мавжудлиги мавжуд захираларнинг инвентаризация натижалари бўйича аниқланади. ТМЗни узлуксиз ҳисобга олиш тизимини қўллаганда ТМЗнинг баланс счётларида товар-моддий захираларнинг келиб тушиши ва чиқиб кетиши батафсил акс эттирилади [5, 216-217].

2-жадвалда хорижий амалиётда қабул қилинган захираларни баҳолаш усуллари кўриб чиқайлик. Жадвалга кўра, захираларни ҳисобга олиш бўйича кенг тарқалган усуллар ўртача тортилган қиймат (АВЕКО) ва ФИФО ҳисобланади. Шу сабабли, халқаро ҳисоб тамойилларига ўтишда захираларни ўртача қийматда баҳолаш керак. Захираларни жорий қиймат бўйича баҳолаш уларнинг қийматини ҳисобот давридаги аниқ қийматга имкон қадар яқин миқдорда тақдим этиш имконини беради. Жорий қиймат бўйича баҳоланган захиралар молиявий ҳисоботлар ушбу ҳисоботлардан фойдаланувчиларга тўлиқ ва аниқ маълумот олиш имконини беради.

¹ Муаллиф томонидан тузилган.

Товар-моддий захиралар ҳисобининг навбатдаги йўналиши бухгалтерия ҳисоби миллий стандартлари ва халқаро стандартларда бу активлар тўғрисидаги хусусиятларни кўриб чиқишни назарда тутди. Товар-моддий захиралар тўғрисидаги ахборотни олиш ушбу активларга тегишли молиявий ҳисоботга жиддий таъсир кўрсатувчи воқеалар, операциялар ва бошқа хусусиятларни аниқлашга ёрдам беради ва таҳлил маълумотлари ошкор қилинган ахборотда тақдим этилиши мумкин.

Ҳисобот йили охирида товар-моддий захиралар бухгалтерия баланси ва тушунтириш хатида, захираларни баҳолаш усулларида фойдаланиш асосида, аниқланган қиймат бўйича акс эттирилади. Халқаро ҳисоб амалиётида «Захиралар» номли 2-сонли МҲХСга мувофиқ, молиявий ҳисоботлар қуйидагиларни ёритиши керак:

- захираларни баҳолаш учун қўлланилувчи ҳисоб сиёсати, шу жумладан қўлланилган таннархни ҳисоблаш усули;
- захираларнинг умумий баланс қиймати ва ушбу корхона томонидан фойдаланилувчилар тури бўйича захира қиймати;
- захираларни сотиш харажатларини чиқариб ташлаган ҳолда жорий қиймат бўйича ҳисобга олинган баланс қиймати;
- ҳисобот даврида харажатлар сифатида тан олинган захиралар миқдори;
- ҳисобот даврида харажатлар сифатида тан олинган захираларнинг ҳар қандай арзонлаштириш суммаси;

– ҳисобот даврида харажатлар таркибида акс эттирилган захиралар қийматини камайтириш сифатида тан олинган арзонлаштиришга нисбатан қайд этиш суммаси;

– захираларни арзонлаштиришга сабаб бўлган ҳолатлар ёки ҳодисалар;

– мажбуриятларни бажариш учун таъминот сифатида гаровга қўйилган захираларнинг қиймати [3].

Молиявий ҳисоботда захиралар тўғрисида маълумотларнинг тўлиқ очиб берилиши бухгалтерия ахборотларининг аниқлиги ва шаффофлигини таъминлайди.

Хулоса ва таклифлар.

1. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларида захираларни тан олиш вақти активни ўтган

воқеалар натижасида ташкилот томонидан назорат қилинувчи ресурс сифатида умумий тушунишга таяниб, ундан иқтисодий наф олиниши муносабати билан захиралар ҳисобида улар устидан назорат ўрнатиш ва иқтисодий фойда олиш имконияти бўйича тан олиниши керак.

2. Товар-моддий захиралар бўйича операциялар хусусиятларининг моҳияти ва мазмуни уларни турли белгилар бўйича таснифлаш, баҳолаш ва ахборотни очиб беришга ёрдам беради. Товар-моддий захираларни баҳолашда ривожланган мамлакатлар – АҚШ, Германия, Франция ва бошқа давлатларнинг илғор тажрибаларининг қўлланилиши товар-моддий захиралар ҳисобини халқаро стандартлар асосида ташкил этиш имконини беради.

Адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 13 апрелдаги «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги ЎРҚ-404-сон Қонуни.
2. «Товар-моддий захиралар» номли 4-сон БҲМС. www.lex.uz
3. «Захиралар» номли 2-сон МҲҲС. www.minfin.ru
4. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги Маърузаси, 2017 йил 14 январь. – Т.: «Ўзбекистон», 2017.
5. Бобожонов О., Жуманиёзов К. Молиявий ҳисоб. – Т.: «Молия» нашриёти, 2002. -672- б.
6. Джембакиева Г.С. Финансовый учет. Учебное пособие. – Т.: «Iqtisod-moliya», 2018. -С. 352.
7. Очилов И.К., Қурбонбоев Ж.Э. Молиявий ҳисоб. Ўқув қўлланма. – Т.: «Iqtisod-moliya», 2007. -488-б.
8. Norbekov D.E., Maxmudov A.N., Muhammedova D.A. Buxgalteriya hisobi. – Т.: «Iqtisod-moliya», 2018. -248-б.
9. Хасанов Б.А., Акрамов А.Б. Бухгалтерский учет и финансовая отчетность товарно-материальных запасов полиграфических предприятий. // «Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар» илмий электрон журнали. 2018, № 2, март-апрель.
9. Байдыбекова С.К. Совершенствование учета и аудита производственных запасов. // Вестник УРФУ. Серия экономика и управление. № 5/2013. http://elar.urfu.ru/bitstream/10995/55017/1/vestnik_2013_5_014.pdf
10. S.Sam Sedki, Abby Smith, Aissa Strickland. Differences and Similarities Between IFRS and GAAP on Inventory, Revenue Recognition and Consolidated Financial Statements. //Journal of Accounting and Finance vol. 14(2) 2014. http://t.www.na-businesspress.com/JAF/SedkiSS_Web14_2_.pdf